



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 11 -kun

22 n -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Курбанов Саъдулла
Абдуллаевичнинг туар жой биносига
бўлган эгалик хукуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Кумбодоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Курбанов Саъдулла Абдуллаевичнинг “Кумбодоқ” маҳалласида жойлашган туар жой биносига бўлган эгалик хукуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 9 ноябрдаги ХО-Қ-3150-сонли аризасини, “Кумбодоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 5 ноябрдаги 3879-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва туар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Кумбодоқ” маҳалласида жойлашган 9 (тўққиз) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 59,13 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 117,91 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 177,04 квадрат метр, қурилиш ости майдони 261,59 квадрат метр, умумий ер майдони 1204,1 квадрат метр ушбу туар жой биносига нисбатан фуқаро Курбанов Саъдулла Абдуллаевичга мулк хукуқи асосида унга эгалик хукуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Курбанов Саъдулла Абдуллаевичга ушбу туар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер

кодекси"нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуки тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Курбанов Саъдулла Абдуллаевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринbosари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи



Ш.Яхшибаев